

---

Ўзбекистон туманида яна бир ташкилот қуёш панелларидан энергия олади

Ўзбекистон тумани маданият ва туризм бўлими биноси том қисмига 10 кВт. соат қувватга эга 19 дона қуёш электр панеллари ўрнатилди.

Таъкидланишича, ушбу қуёш панеллари бир йилда 23,250 минг кВт. соат электр энергия манбаи ишлаб чиқариши, йиллик 18,6 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаш имконини беради.

Айни кунларда туманда ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли хонадонларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш, айниқса, муқобил энергия турларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.





2023-05-30 12:07:39